

**ТАЛАБАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ СОҲАСИДА ИЛМИЙ
ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МАЗМУНИ ВА
БОСҚИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Махмудов Б. А.
п.ф.ф.д. – ЎзХИА

Мадаминов А. Э.
УрДУ тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақола жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларнинг илмий-ижодий ишларини амалга оширишлари параметрларга жавоб бера оладиган мутахассисларни илмий-ижодий фаолиятини ижобий амалга ошириш оқали келгусида мазкур таълим йўналиши истиқболини такомиллашиш борасида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Жисмоний маданият, талаба, билим, интеграция, илмий тадқиқот, модернизация, маҳорат, илм-фан, компетенция, илмий-фаолият, параметр, босқич, реферат, мустақил таълим, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши.

Аннотация

В данной статье уделяется внимание на улучшении перспектив данной области образования в будущем за счет положительной реализации научно-творческой деятельности специалистов, которые могут реагировать параметрам реализации научно-творческой работы студентов физической культуры.

Ключевые слова: Физическая культура, студент, знание, интеграция, научное исследование, модернизация, искусность, наука, компетенция, научная деятельность, параметр, ступень, реферат, самостоятельное образование, проект курса, выпускная квалификационная работа.

Abstract

This article focuses on improving the prospects of this field of education in the future through the positive implementation of scientific and creative activities of specialists who can meet the parameters of the implementation of scientific and creative work of students in the field of physical culture.

Keywords: Physical culture, student, knowledge, integration, research, modernization, skill, science, competence, research activity, parameter, stage, abstract, independent study, course project, graduate work.

Сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда[1]. Бу чора тадбирларни амалга оширишда ҳар бир таълим тизими учун тайёрланётган мутахассисларни юксак билим ва маҳоратга эга бўлган шахс сифатида шакллантиришни талаб этади. Шунингдек, юксак билим ва касбий маҳоратга эга бўлиш учун ўз мутахассислигини илмий-ижодий томонлама чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Л.П.Матвеевнинг фикрига кўра, илм-фан ривожланиш даврида, ўзига хос илмий изланишларни талаб этади ва бу орқали ижтимоий ҳаётда фаол жисмоний меҳнат ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланиш соғлиқнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган янги билимлар дунё юзини қўради бу эса жисмоний маданиятнинг ўрни жамиятнинг ижтимоий шаклланишида албатта катта аҳамиятга эгадир [3]. Келтирилган фикрлардан шундай хulosага келиш мумкинки, жисмоний маданият таълимини узлуксиз ислоҳ қилиб бориш, бу тизимда тайёрланётган мутахассисларни илмий фаолиятга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Илмий фаолият шахснинг жисмоний маданият таълимида, касбий маҳоратини шакллантиради ва “мен” тушунчасида маданий уйғунликни ва унинг қийматини белгилаб беради.

Олий таълим тизимининг жисмоний маданият таълим йўналишида талabalарининг илмий-педагогик фаолият жараёнини ташкил қилишда жараённинг босқичма-босқич амалга оширишнинг мазмуни ва моҳияти талabalарнинг илмий ҳамда касбий маҳоратини, шунингдек, педагогик малакаларини шакллантиришга катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунга қарамасдан, ҳозиргача жисмоний маданият таълим йўналишида илмий-ижодий ишлар бир тизимли асосга эга бўлган илмий-ижодий педагогик фаолият мавжуд эмас, жумладан, жисмоний тарбия муассасаларида касбий фаолият олиб бораётган мутахассислар ҳам бундан мустасно эмас.

Жисмоний маданият соҳасида ўқитиладиган фанлар, олиб бориладиган педагогик амалиёт тизимида илмий фаолиятни алоҳида ажратиб бўлмайди ва бу ҳамоҳанг тарзда амалга ошириладиган жараёндир. Шунинг учун ўқув фанлар ҳамда амалиёт даврларида талabalарни илмий фаолиятини ташкилий ишларга оид илмий ҳамда касбий компетенцияларини шакллантириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бу борада уларнинг, илмий-ижодий малакалари яъни, материалларни тўплаш, таҳлил қилиш, баён этиш, тартиб ва талабларга риоя этиш, хulosалаш ва тавсиялаш каби муҳим сифатлар ўзига хос ўрин тутади.

Талabalарнинг илмий фаолиятида компетенциявий ёндашув, аудитория ёки ўқитувчи кўрсатмаси билан машғулотларни кузатиш шароитида, кутубхоналарда, умуман олганда

талабаларга мүлжалланган коммуникатив мажбуриятлар ва топшириқларни бажариш доирасидаги ўқитувчининг маълум масалалар юзасидан берилган топшириғини амалга оширишга йўналтирилган. Ушбу компетентлик талабалар келгусида коммуникатив фаолиятни амалга оширишга тайёрлик қобилияти сифатида талқин этилиб, илмий педагогик фаолият бўйича билим, кўнкима ва малакаларга асосланади.

Жисмоний маданият соҳасида талабаларнинг илмий-ижодий фаолияти мазмунида илмий ва касбий компетенциянинг тарбиявий компонентларига алоҳида аҳамият қаратилади. Зеро, тарбия ривожланиши жараёнида инсонда ички объектив ўзгаришлар, унинг жисмоний ва руҳий шаклланишлари тушунилади[4]. Шунинг учун илмий тадқиқот ишларини олиб боришда энг муҳими тарбиянинг ривожланиши етакчи ўрин эгаллайди. Чунончи, аввало, илмий тадқиқот иши олиб борувчи шахс ўзида тарбия турларининг ривожланганлик даражасига эътибор қаратиши лозим. Илмий жараёнларда бу хусусият муҳим саналиб, реферат, мустақил таълим иши, курс лойҳаси ва битирув малакавий иши ҳимоясида ўзига хос ўрин тутади.

Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг илмий-ижодий ишлари муайян тартибга солинадиган ва талабларга жавоб берадиган ҳолда амалга оширишлари учун албатта, мутахассис бошчилигига ва бевосита раҳбарлигига тайёрлаш, уларни илмий фаолиятда пастдан юқорига қараб ривожланишини таъминлаб беради. Шунингдек, мутахассислардан ҳам талабаларни илмий-ижодий ишларига раҳбарлик қилишларида илмий фаолиятни тушуниш ҳамда бу жараёнга масъулият билан ёндашиш лозим бўлади. Мутахассислар талабаларнинг илмий-ижодий ишларини амалга оширишларида, уларга қўйидаги талабларга эътибор қаратиши лозим:

- касбий фаолиятда илмий тадқиқот ишларини мустақил амалга оширган ва бу юзасидан етарли тажрибага эга бўлган;
- илмий фаолият мазмунига кирувчи реферат, мустақил таълим иши, курс лойиҳаси ва битирув малакавий ишларига қўйиладиган талабларни биладиган;
- илмий фаолият мазмунига кирувчи реферат, мустақил таълим иши, курс лойиҳаси ва битирув малакавий ишларини фарқланиши ва ҳар бир жараённи хусусиятини англаган ҳолда талабаларни йўналтиришнинг компонентига эга;
- талабаларга илмий тадқиқот жараёнини ташкил этиш бўйича қўрсатмалар ва тавсиялар бера оладиган;
- талабалар илмий фаолиятини такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳаларни илгари суро оладиган.

Демак, юқорида келтирилган параметрларга жавоб бера оладиган мутахассислар жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларни илмий-ижодий фаолиятини ижобий амалга ошириш орқали келгусида мазкур таълим йўналиши истиқболини такомиллашишига олиб келиши мумкин.

Жисмоний маданият талабалари ўкув курсларини бошланган кундан бошлаб, илмий фаолият билан англаган ҳолда ёки англамаган ҳолда ҳам илмий, ҳам касбий фаолият мазмунини реал равишда ўзлаштира бошлайди. Мазкур жараёнда бажариладиган ишлар бўйича Н.Ф.Талызина таълим олаётганлар харакатларни илмий, моддий тарзда ўзлаштириши ва бажариладиган вазифаларни ўзларида идрок этиб, амалиётга татбиқ қила

олишлари билан белгилайди [5]. Бунда талабаларни илмий фаолият билан шуғулланишлари мухим аҳамият касб этади. Унинг профессионаллик даражаси талабага илмий фаолиятнинг аниқ дастурини ўзлаштиришга имконият яратади.

Жисмоний маданият соҳаси таълим-тарбиянинг сифати ҳамда самадорлигини ошириш кўп жиҳатдан талабаларни илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга боғлиқ ҳисобланади. Бу талабаларнинг ҳам илмий, ҳам ижодий тадқиқотчилик фаолиятини муайян тизим асосида ташкил етиш мажбуриятини қўяди.

Жисмоний маданият соҳасида илмий тадқиқот ишлари талабаларнинг ақлий фаолиятининг маълум мақсадга йўналтирилган ижодий ҳаракатлари мажмуидан иборат бўлиб, бу фаолиятдан кўзланган мақсад, ходиса ёки жараён тўғрисидаги янги илмий-назарий билимларни ўрганиш, кашф этиш, уни такомиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия машғулотида амалиётга татбиқ этишдан иборатdir.

Маълумки, инсоният тараққиёти илмий ижодкорликка, ижодкор инсонларнинг касбий фаолиятига асосланади. Вақт ўтиши билан ҳар қандай техника, технология, илмий далиллар, ғоялар, кашфиётлар эскириб бораверади [2].

Демак, замон ўзгариши билан узлуксиз таълим тизимида жаҳон андозалари ва замонавий ёндашувлар талаби асосида жамият учун зарурий чора тадбирлар мажмуи ишлаб чиқиши ўзига хос ўрин тутади. Бундай шароитда жисмоний маданият таълим йўналишининг талабаси репродуктив фикрлашга ундовчи таълимий вазифалар ўрнига маҳсулдор илмий-ижодий изланишга йўналтирувчи таълим-тарбиявий муаммоларни ечишга қодир бўлади. Жисмоний маданият таълим йўналишида талабаларни илмий-ижодий фаолиятини амалга оширишда унинг узлуксизлигини таъминлаш мухим аҳамият касб этади. Буни амалга оширишда илмий-ижодий ишларни босқичларга ажратиш лозим бўлиб, мазкур босқичларни амалга оширишда ўзига хос педагогик талаблар (1-расм) ҳам қўйилади.

(1-расм)

Жисмоний маданият соҳаси талабаларининг илмий фаолияти босқичларининг педагогик талаблари

1-босқич

Реферат ва мустақил таълим иши колдирилган машғулот ёки фан кесимида тайёрланадиган кичик илмий иш сифатида ўрганилаётган материал юзасидан билим олиш, манбаларни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш, хуносаларга келишни талаб

2-босқич

Курс лойиҳа иши якунланадиган фан юзасидан белгиланган тартибда мавзу танлаш орқали амалга ошириладиган якунланмаган илмий тадқиқот иши сифатида унинг мазмунида кириш мақсад ва вазифалардан иборат бўлиб, белгаланган вазифалардан келиб чиқиб режа тузилади ҳамда реферат ва мустақил таълим ишидаги талабларга қўшимча тавсиялар берилади.

3-босқич

Битирув малакавий иши якунланган илмий тадқиқот иши ҳисобланиб, унда илмий аппарат ҳамда бобларда келтирилган муаммо амалиётда тажриба-синовдан ўтказилади ва якунида методик таъминоти яратилади ёки тавсия берилади.

Жисмоний маданият таълим йўналишида талабаларни илмий тадқиқот ишларига тайёрлаш ва илмий салоҳиятли кадр сифатида етиштириш жараёни шартли равиша юқорида келтирилган босқичлар ортирилган тажрибалар асосида қуидагича изоҳланади:

1-босқич. Талабалар 1–курс давомида ўқув фанларидан қолдирилган машғулотларни ўзлаштириш мақсадида, рефератлар, шунингдек, ҳар бир фан кесимида мустақил таълим иши тайёрлайди ва уни ҳимоя қиласи. Ўқув йили якунига қадар талабалар кичик илмий-ижодий тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан дастлабки билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Шу ўринда профессор-ўқитувчиларнинг (биринчи бобда келтирилган таҳлиллар асосида) ҳам талабаларга реферат ва мустақил таълим ишларини кичик илмий иш сифатида ўргата олмасликлари мумкин. Аммо биламизки, илмий билим ва бу фаолият билан иш олиб борган профессор-ўқитувчиларнинг айримлари белгиланган тартибда талабалар томонидан амалга оширилган ишларни қабул қилишлари, талабалар масъулиятини оширади. Бу эса уларнинг илмий тадқиқот ишларига лаёқатини шакллантиради.

2-босқич. Талабалар 2–курсда, юқорида келтирилган реферат ҳамда мустақил таълим ишини тайёрлаш билан бирга умумкасбий ва ихтисослик фанларидан якунланаётган ўқув машғулотлари бўйича курс лойиҳасини тайёрлаб уни ҳимоя қиласидар. Курс лойиҳа иши якунланмаган лекин, ўзининг хулоса ва тавсияларига эга бўлган илмий-ижодий иш ҳисобланади. Курс лойиҳа ишига аласан мутахассисликнинг илмий даража ва унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қиласи. Бунда талабалар қатор илмий тадқиқот воситалари ҳамда усусларини ўрганиш билан бир қаторда кейинги босқичда амалга ошириладиган битирув малакавий ишини тайёрлаш учун ўзларига керакли бўлган фундаментал билимларга эга бўладилар.

3-босқич. Жисмоний маданият таълим йўналишининг бакалавриат таълим даврида 1-курсдан талабаларни илмий тадқиқот ишларига йўналитиришда белгиланган босқичларнинг якуни сифатида битирув малакавий иши ҳисобланаб, унда талабалар томонидан танланган мавзуси асосида тадқиқот иши олиб борилади. Талабалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари маълум даражада чуқурлаштирилади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тайёрланган тезислар илмий конференцияларда, семинарларда муҳокамадан ўтказилади. Битирув малакавий ишлари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан раҳбарлик қилиниб, бевосита талаба илмий раҳбар кўрсатмаси ҳамда белгиланган режа асосида тадқиқот ишини амалга оширади. Бу орқали талабаларнинг ўрганилган билимлари сохта турғун ҳолатга тушуб қолмаслигини таъминлайди. Шунингдек, ҳам илмий, ҳам касбий фаолиятда замонавий ёндашувларга мослаша оладиган, таълим амалиётини интеграциялашган тартибда амалга ошириш ҳамда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятларига эга бўладилар.

Юқорида келтирилган босқичлар жисмоний маданият талабаларининг илмий тадқиқот ишларини сифатли якунлаш имконини беради.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-ноябрь, ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони. Тошкент-2020 й.
2. Рахимов Б.Х. Талаба - ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришнинг ижтимоий-педагогик асослари. Дисс.автореф., п.ф.д. Тошкент – 2009 й. 42 бет. 20-б.
3. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. – Москва: Физкультура и спорт, 1991 г. 537-с.
4. Матниязов Х.К. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари узлуксиз педагогик амалиётининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш. Дисс.п.ф.ф.д., Тошкент-2022 й. 135 – б. (43 бет)
5. Сайидаҳмедов. Н, Очилов А. Янги педагогик таҳнология моҳияти ва замонавий лойихаси. - Т: 1999. (12-бет).
6. Kaldibayeva, D. O. (2020). Talabalarning mantiqiy tafakkurini shakllantirishning pedagogik omillari. Science and Education, 1. *Special*, (3), 119.
7. Karimovna, Q. X. (2022). Ixtirochilik masalalarini yechishga o’rgatish bosqichlari. *Academic research in educational sciences*, 3(12), 183-188.